

олиниб филтрлашга 0,5 мл Насслер реактиви солинади. Тайёр аралашмани оқ фонда стандарт бихромат шкала билан солиштирилади. Янги балиқлар учун Насслер сони 1,0 дан ошмаслиги керак. Шубхали балиқлар учун 1,2-1,4 га тенг. Айниган балиқлар учун 1,6-2,4 ва ундан юкори.

Хулоса: Балиқ комбинатнинг барча ишлаб чиқариш биноларида тозаликни сақлаб тутиш учун иш вақтида ҳам иш тугаганидан кейин ҳам хўл латта билан тозаланиб туриш керак.

Эшик, деразалар, тоқчалар иситиш трубалари 2% кальцийланган сода эритмаси билан артилиб кейин, 5 хлорли охак эритмаси билан дезинфекция қилиш. Консерва корхоналарида ҳафтасига 1 марта санитария куни ўтказиб турилади. Хама жихозлар тозаланиб дезинфекцияланади. Бундан кейин уларнинг тозалигини бактериологик йўл билан назорат қилинади.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ТУРЛИ ХУДУДЛАРИ ВА ҲАР-ХИЛ ФАСЛЛАРДА ОЛИНГАН АСАЛЛАРНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН БАҲОЛАШ

**Д.Насимова - магистрант, Ф.Ибрагимов – ассистент, в.ф.н.,
С.Холиқов – ассистент**

Мавзунинг долзарблиги: Инсонлар томонидан озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинадиган асал биологик жихатдан тоза сифатли стандарт талабларга жавоб берадиган равишда бўлиши керак. Унинг ранги оқ-тиник, қорамтир малла ҳамда қора бўлиши мумкин. Булар биринчи навбатда ўсимликларнинг турига ҳамда қайси вақтда асал олиншига боғлиқ. Шунга кўра, баҳорда олинган асалнинг ранги куздагига нисбатан тиникроқ бўлади. Турли хилдаги ўсимлик шираси нектаридан йиғиштирилган асалнинг таркиби турлича бўлиши мумкин, яъни қисман фарқланиши ҳам мумкин.

Е.Цандернинг кўрсатишича, асалнинг ранги асаларининг зотиға, олиншиға ҳамда мўмкатакчанинг ёшиға ва х. з га боғлиқ. Оқ акациядан, пахтадан, беда ўтининг гулидан, малинадан, хантал ўсимлигидан олинган асалнинг ранги оқ бўлади. Қахрабо тилла рангли асал кунгабоқардан, ўтзордан, толдан олинади. Сарғиш қорамтир асал арчачўлдан, каштандан, тамакидан ва игнабаргли дарахтдан олинади.

Турли вилоят ҳудудлар, фасллар ва ойларға тегишли бўлган асалари асалининг бир-биридан фарқланишини таққослаш ва таҳлил қилиш.

Тадиққот объекти ва услублари: Турли ҳудудларға мансуб бўлган асалари асалини текшириш усуллари. Самарқанд кишлоқ хўжалик институти “Ветеринария” факультети “Хайвонларнинг юқумли ва инвазион касалликлари” кафедрасида 5-хилдаги намуналар асосида текширишлар олиб борилди.

Турли вилоят ҳудудларидан олиб келинган асал намуналари тегишли рақамлар билан рақамланиб олинди.

1-Жиззах вилояти Фориш тумани, куз фаслида олинган асал.

2-Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани, август ойида беда гули асали.

3-Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани, июл – август ойларида олинган асал.

4-Жиззах вилояти Фориш тумани тоғ асали, янтоқ ўсимлигидан олинган.

5-Қашқадарё вилояти тоғ асали.

Органолептик текширишда қўйидаги усуллардан фойдаланилди.

1. Ранги.

2. Хушбўйлиги.

3. Таъми (мазаси).

4. Консистенцияси.

1. Асалнинг рангини текшириш.

Текшириш усули: Асалнинг ранги кўриш орқали кузатилди. Турли ҳудудларга ва фаслларга тегишли бўлган асалнинг ранги турлича эканлиги аниқланиб, натижалар 1-жадвалда баён этилди.

2. Асални хушбўйлигини текшириш.

Текшириш усули: Асалнинг хушбўйлиги уни қиздириш йўли орқали аниқланди.

5-хилдаги намунадан 30-40 гр.дан асал олиниб алоҳида оғзи беркитиладиган шишали идишга солиб сув хаммомида 40-45 °С 10 дақиқа давомида қиздирилди. Сўнг ҳар бир намуна хидлаб хушбўйлиги аниқланди ва 2-жадвалда баён этилди..

3. Асалнинг таъми (мазаси) бўйича аниқлаш. Текшириш усули: Хақиқий гул нектаридан йиғиб олинган асал ширин бўлиб, таъми жихатидан аниқланганда аралашмалардан ажратиш қийинроқ бўлади. Асални таъми татиб кўриш орқали аниқланади. Асалнинг таъми ҳар хил бўлиб, ширин таъмдан ачиқимтил, нордон таъмгача бўлади.

Агар асал бижғиса нордон таъмга эга бўлади. Асалнинг таъми аччиқ бўлиши унинг асалари томонидан ҳар хил гуллардан йиғилиши билан фарқланади. Асалнинг таъми унинг сифатини ҳам аниқлаб беради.

Асалнинг стандарт маззаси ширин ёқимли бўлиши лозим. Аччиқ, нордон ва шу каби таъмга эга бўлмаслиги керак. Ушбу текшириш натижалари 3-жадвалда баён этилган.

4. Асалнинг консистенцияси (ёпишқоқлиги) Текшириш усули: 20° С ҳароратдаги асал шпател ёрдамида айлантириб олиб текширилди. Шпател ёрдамида айлантириб олинган асалнинг шпателдан қай ҳолатда тушиши кузатилади ва 4-жадвалда баён этилди.

1-жадвал. Текшириш натижалари

№	Намуналар	Намуна асалнинг ранги
1	1-намуна	Сарғимтир оқ
2	2-намуна	Оқ
3	3-намуна	Сариғимтир
4	4-намуна	Туқ сариқ
5	5-намуна	Оч сариқ

Асални ранги бўйича сифат жихатидан текширганимизда 1-намунамиз Жиззах вилояти Фориш тумани куз фаслига мос келмаслиги гумон қилинди.

2-жадвал. Текшириш натижалари

№	Намуналар	Намуна асалнинг хушбўйлиги
1	1-намуна	Хушбўйлиги паст
2	2-намуна	Хушбуй
3	3-намуна	Ёқимли хушбуй
4	4-намуна	Ёқимли хушбуй
5	5-намуна	Хушбуй

Хушбўйлиги бўйича текширилган 1-рақамли намунамиз яъни Жиззах вилояти Фориш тумани асалнинг хушбўйлиги пастлиги аниқланиб Падв асалига гумон қилинди.

3-жадвал. Текшириш натижалари

№	Намуналар	Намуна асалнинг таъми (маззаси)
1	1-намуна	Ширинлиги паст
2	2-намуна	ширин
3	3-намуна	ширин
4	4-намуна	Аччиқимтил
5	5-намуна	ширин

Асалнинг таъми жихатидан текширилган асал намуналарининг натижаси шуни курсатдики 1-рақамли намунамизнинг ширинлиги пастлиги аниқланди.

4-жадвал. Текшириш натижалари

№	Намуналар	Намуна аслнинг консистенцияси
1	1-намуна	Қаттиқ
2	2-намуна	Қуюқ
3	3-намуна	Қуюқ
4	4-намуна	Қуюқ
5	5-намуна	суёқ

Намуналаримизни консистенцияси бўйича текширганимизда 1-рақамли намунамиз кристалл ҳолатда бўлаб, шпатилга олишда босим асосида иш бажарилди. Ушбу рақамдаги асалимиз ўзоқ муддат сақланганлигини билдирди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки асалнинг органолептик текширилиши унинг муҳим хусусиятларини аниқлаб беради.

Дехқон бозорларига олиб келинган асалнинг идишлари тоза сифатли ва стандарт талаби даражасида бўлиши керак

АСАЛНИНГ ЕТИЛИШИНИ ВА ТОЗАЛИГИНИ ТУРЛИ УСУЛЛАРДА АНИҚЛАШ

**Д.Насимова - магистрант, Ф.Ибрагимов – ассистент, в.ф.н.,
Р.Эшқувватов – тадқиқотчи**

Мавзунинг долзарблиги: Дехқон бозорига сотиш учун олиб келинган асални ташиш ва сақлашга ишлатиладиган идишлар санитария гигиена талабларига жавоб берадиган бўлиши зарур. Асалда антибиотиклар қолдиғи асаларининг юқумли касалликлари кўзғатувчисини, реактивлигини аниқлаш учун ветеринария лабораториясига асал намунаси шиша идишга солиниб, зич ёпилиб, тамғаланган ҳолда олиб келинади. Идишларда асални ветеринария-санитария экспертизасини ўтказилганлигини кўрсатувчи белги, истеъмолга яроқли асаллар учун оқ рангли, диастазаси 5 дан паст ва сирачли асаллар учун кўк рангли ёрликлар қўйилади. Асалнинг таркибидаги механик аралашмалар табиий, бегона, кўринарли ва кўринмайдиган бўлади. Табиий аралашмаларга гулларнинг чанглари, асалари танасининг кичик қисмлари, яъни оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсалар киради. Булардан ташқари ўлган асаларининг лечинкаси, танасининг қисмлари ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳамма аралашмалар тиндириш ва филтрлаш натижасида ажратиб олинади. Бегона аралашмаларга чанг, қорақуя, кумирнинг бўлакчалари, тўқима, соч (қил), қум ўсимликнинг толалари ва бошқа нарсалар киради.

Дехқон бозорига олиб келинган асал яхши етилган, тоза ва сифатли идишларда бўлиши керак. Экспертизага олиб келинган асал эгасида Ф-4 (1-илова) ветеринария маълумотномаси ёки Ф-2 (2-илова) ветеринария гувоҳномалари ва асалариларнинг ветеринария –санитария паспортлари бўлган тақдирда қабул қилинади. Асалнинг етилиши уни ўзоқ муддат сифатли сақланишига сабаб бўлади. Унинг нотозалиги эса асалнинг рангига таъмига консистенцияси ва кўринишига салбий таъсир қилиши ҳамда стандарт талаблари бузилиши мумкин. Асалда механик жисмлар икки кўринишда бўлади.

1. Табиий ҳолатда (Ўсимлик чанглари)

2. Сунъий ҳолатда (Асал ари уликлари, қисмлари, булаклари, қаноти, танаси, оёқчалари, личенкалари кабилар). Четдан шамол натижасида чанг, қил ва ҳар хил чиқиндилар бўлиши мумкин.

Бундан ташқари улар бўлиши мумкин

А) кўзга куринадиган.

Б) кўзга куринмайдиган.